**ХИЗМАТ КЎРСАТИШ**
**ШАРТНОМА № 35**

«12 » август 2022 йил.

Фаргона шахри.

Бир тарафдан Низом асосида фаолият кўрсатувчи, келгусида "БАЖАРУВЧИ" деб юритилувчи «ТОШЛОҚ ХОЖИАКБАР СЕРВИС» Х/К номидан рахбар Сиддиқов Ш., иккинчи тарафдан Низом асосида фаолият кўрсатувчи, келгусида «БУЮРТМАЧИ» деб юритилувчи «ФАРГОНА ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОКЛАРИ КОРХОНАСИ» АЖ номидан бош директор А. Сайдалиев ўртасида қуйидагилар тўғрисида ушбу шартнома тузилди.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ.

1.1. «БАЖАРУВЧИ» «БУЮРТМАЧИ»нинг топшириғи буютмасига асосан амалдаги шартноманинг 1.2 бандида кўрсатилган хизматларни бажаради ва «БУЮРТМАЧИ»га топширади. «БУЮРТМАЧИ» эса иш натижасини қабул қилиб, тўловларни амалга оширади.

1.2. «БАЖАРУВЧИ» «БУЮРТМАЧИ»нинг буюртмасига асосан ТЭТК, ШЭТК лар қўриқлаш хизмати ходимларига махсус кийим бош тикиш хизматларини кўрсатади.

1.3. "БАЖАРУВЧИ" ишларни «Буюртмачи» билан келишилган холда бажаради.

1.4. Ишни "БАЖАРУВЧИ" ўз хизматчилари билан бажаради.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. Хисобот шакли «БУЮРТМАЧИ» томонидан ўрнатилади.

2.2. «БУЮРТМАЧИ» ушбу шартномага асосан бажарилган иш учун белгиланган тўловни тўлаб беради.

3 ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ТЎЛОВ УСУЛИ.

3.1. Шартноманинг умумий бахоси 75600000(Етмиш беш миллион олти юз минг) сум.

3.2. "БАЖАРУВЧИ"га шартноманинг умумий суммасининг 30 фоизини олдиндан «БУЮРТМАЧИ»ни хисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3. Якуний хисоб-китоб бажарилган ишлар қабул қилиб олингандан сўнг амалга оширилади.

3.4. Ушбу шартнома 2022 йил «31» декабр кунига қадар амал қилади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

4.1. Мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда хар бир тараф бошқа тарафни 3 кун олдин ёзма равишда огохлантириб ушбу шартномани бекор қилиш хуқуқига эга.

4.2. Ишни бажариш муддатларини бузган холда иш бажарилган тақдирда «БУЮРТМАЧИ» етказилган зарарни бартараф қилиш талаби билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш хуқуқига эга.

4.3. Ишни бажаришда "БАЖАРУВЧИ" томонидан йўл қўйилган иш натижаларини ёмонлаштирадиган даражадаги камчиликларни бартараф қилиш учун кетган сарф харажатлар "БАЖАРУВЧИ" томонидан «БУЮРТМАЧИ»га қоплаб берилади.

4.4. Ишни бажаришда "БАЖАРУВЧИ" томонидан шартнома шартларини бузиш ёки бажарилган иш натижаларини ёмонлаштирадиган даражадаги камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланган тақдирда ушбу шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган сўмма миқдорини 20 фоиз камайтирилади.

4.5. Ишни бажаришда муддатларга риоя қилмаганлиги учун "БАЖАРУВЧИ" хар кечиктирилган кун учун «БУЮРТМАЧИ»га шартнома қийматининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Жарима ва пеня тўланиши "БАЖАРУВЧИ"ни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

5.1. Тарафлар ўртасидаги барча келишмовчиликлар ўзаро келишув йўли билан ёки судларда хал қилинади.

5.2. Ушбу шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тарафларнинг келишуви асоснда амалга оширилади.

6. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

**«БУЮРТМАЧИ»**

«ФАРҒОНА ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОКЛАРИ КОРХОНАСИ» АЖ Манзил: 150100
Фарғона шахар
Кувасой кўчаси 74-а-уй
Х/р: 20210000200215289001 МФО: 00494
"ПСБ банк" Фарғона ш:
ИНН: 200144930
Рахбар: ____________________
М.Ў

**«БАЖАРУВЧИ»**

"Тошлоқ хожиакбар сервис" х/к
Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани
х/р 2020 8000 4049 0858 8001
"ПСБ банк" Бош офиси Киргули ФХМ:
МФО 00440 ИНН 301 954 046

**Рахбар:** ____________________

М.Ў